Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 9 IYUN ◆ SHANBA ◆ № 66 (26.768)

ГУУАМ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Ислом Каримов ГУУАМнинг Ялта саммитида иштирок этди

Қрим — ажойиб ўлка. Уни таърифлашга ҳар қанча уринманг, нимадир унутилгандек, нимадир етмаётгандек туюлаверади. Ялта эса шу гўзал ўлканинг юрагидир. Кўпчилик мовий денгиз, дарахтларга бурканган тоғларни назарда тутиб, Ялтани энг яхши истироҳат масканларидан бири, деб ҳисоблайди. Лекин унинг шуҳрати дам олиш маскани, деган ном билан чекланмайди. Ялта дунё сиёсатида катта ўзгаришларга сабаб бўладиган учрашувлар мезбони ҳамдир. «Ливадия» саройида 1945 йил 4-11 февраль кунлари бўлиб ўтган машҳур Қрим конференцияси фашизмга қарши курашнинг бурилиш босқичини бошлаб берган эди. Европани озод қилиш ва фашизмни ер юзидан бутунлай қуритиш режалари ҳам ўшанда тузилган. ГУУАМнинг илк расмий саммити айнан шу ерда ташкил этилганида ҳам ўзига хос маъно бор. «Ливадия» — хосиятли макон.

Ялта саммитининг энг муҳим натижаси, шубҳасиз, ГУУАМ Хартиясининг қабул қилинишидир. Бу ҳужжат янги тузилмани халқаро муносабатлар тизимининг тўлақонли субъектига айлантирди. Шу билан бирга, бирлашма ҳақидаги ҳар хил асоссиз башорату тахминларга чек қўйди. Ялта учрашувида рўй-рост айтилдики, ГУУАМ ҳеч бир давлат ёки давлатлараро тузилмага қарши қўйилмаган, фақат ўзаро манфаатдорлик асосида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бирлашмадир. У асло сиёсий ёки ҳарбий-сиёсий ташкилот эмас.

Моҳиятан, ГУУАМ сиёсийлашган ё ҳарбийлашган ташкилот бўла олмайди ҳам. Бунга исбот сифатида тузилма аъзолари бўлган давлатларнинг жуғрофий жойлашувини келтириш етарли. Иқтисодий бирлашма дейишга эса ҳар томонлама асос бор. Ўзбекистон мисолида олсак, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, биз жаҳон бозорига олиб чиқувчи йўлларни кўпайтириш ҳаракатидамиз. Унутмаслик керакки, Афғонистондаги можаро сабабли жанубий йўллардан фойдаланишимиз қийин, анча хавфли. Шарқий ва ғарбий йўналишлар ҳам йўқ эмас. Сарахс-Тежан-Машҳад йўналиши орқали Форс кўрфазига, Андижон-Ўш-Қашқар йўналиши бўйича Хитой портларига чиқиш мумкин. Лекин дунёнинг ривожланган қисми билан алоқани кенгайтиришимиз учун йўлларимиз Европага ҳам уланиши керак. Бунда МДҲ доирасидаги коммуникация тармоқлари, Туркия ва Болгарияга олиб чиқадиган Боку-Супса йўналиши каби ҳаракат йўлакларининг аҳамияти катта бўляпти. Лекин бу йўллар бўйидаги давлатларнинг жуғрофий жойлашуви, иқтисодий салоҳияти, коммуникациявий имкониятларидан шу вақтгача тўла фойдаланилмай келмоқда. Баъзан четдан келтирилган товаримизнинг йўлкираси унинг нархидан қиммат бўлиб кетяпти. Демак, Ўзбекистонга энг яқин, энг арзон, энг қулай ва энг хавфсиз йўллар, шунингдек, ишончли шериклар керак. ГУУАМ аъзолари ва уларнинг ҳудудидан ўтадиган йўллар эса ана шу мақсадга хизмат қилади.

Иккинчи фойдали томони шундаки, ГУУАМ воситаси билан савдо-иқтисодий, ижтимоий алоқаларни кенгайтириш, Буюк Ипак йўлини тиклашда нуфузли халқаро ташкилотлардан олинаётган ёрдам ҳажмини кўпайтириш имконияти бор. Масалан, ТРАСЕКА лойиҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган Европа Иттифоқи билан эндиликда якка ҳолда эмас, балки минтақавий ташкилот аъзоси сифатида янада кенг кўламли музокара ва маслаҳатлашувлар ўтказиш мумкин. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки каби молиявий ташкилотларнинг кредитларини олишда, БМТ, ЕХҲТ сингари тузилмаларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашига эришишда, чет эл сармоясини янада кўпроқ жалб этишда ҳам ГУУАМнинг роли катта бўлади.

Яна бир гапни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ялта саммитида Грузия Президенти Ўзбекистон раҳбарини узоқни кўрувчи оқил ва доно сиёсатчи, деб атади. Бунинг сабаби аён. Ўзбекистон мақсадлар муштараклиги боис ГУУАМга қўшилди ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. ГУУАМ эса фақат бунёдкорлик ва тараққиётни ўзига шиор қилган ташкилотдир.

Ҳеч бир мамлакат иқтисоди ўз қобиғи ичида ривожлана олмаслиги равшан. Бошқа давлатлар билан ҳамкорлик учун эса, коммуникация тармоқлари такомиллаштирилиши, савдо-иқтисодий муносабатлар ривожлантирилиши керак. Бу ГУУАМ учун ҳозир энг долзарб масала. Шунингдек, ўзаро савдо-сотиққа божхона тўловлари ва қоидалари, солиқ тизими, йўллар сифати ва хавфсизлиги ҳам бевосита таъсир этишини назардан қочирмаслик зарур. Ялта саммитида бу масала муҳокама этилар экан, ҳозирча ГУУАМ доирасида ягона ахборот макони барпо этиш, Тошкентда бизнес-семинар ташкил этишга келишиб олинди.

Шунингдек, аъзо мамлакатларнинг тегишли органларига ГУУАМ минтақасида эркин савдо зонаси барпо этишга қаратилган ҳужжат тайёрлаш вазифаси топширилди. Тўғри, бу ҳақдаги битим лойиҳаси саммит қатнашчиларига тақдим этилган эди. Лекин президентлар уни такомиллаштирмоқ зарур, деган фикрни айтди. Чунки, ГУУАМнинг бош вазифаларидан бири эркин савдони таъминлашдир. Коммуникация тармоқлари очилар экан, бу транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланиши, демакдир. Транспортда эса, табиийки, юк — товар ташилади. Шундай экан, йўлни очаётганда, бож, солиқ билан боғлиқ масалаларни ҳам параллел ечиш талаб қилинади. Бу эса, эркин савдо зонаси, деган гап.

Президентлар ўзаро алоқаларни шу даражага кўтариш учун бор имкониятларни ишга солиб, баҳамжиҳат шарт-шароит яратишга келишиб олди. Эркин савдо зонаси тўғрисида тайёрланажак ҳужжат фақат ана шундай ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш учун хизмат қилиши кераклиги таъкидланди.

Зикр этилганлардан келиб чиқиб, Ялта саммитини ГУУАМнинг расмий таъсис йиғилиши, деб аташ мумкин. У тузилманинг самарадорлигини, муҳимлигини намоён этди. Гарчи, аъзо давлатлар раҳбарлари илгари ҳам бир неча бор учрашган бўлса-да, бу галги саммит мазкур бирлашмани расман қонунийлаштиргани билан муҳимдир. Серҳосият «Ливадия» саройида расман халқаро муносабатлар тизимининг субъектига айланган ГУУАМнинг галдаги саммити шу йилнинг кузида Озарбойжонда бўлади. Фойдали мулоқотларни келгусида яна учрашишга аҳдлашиб якунлаш нақадар хайрли!

■ **Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА махсус мухбири

Тошкент — Ялта — Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМДА СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сув тақчиллигидан зарар кўрган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, ушбу минтақаларни сифатли ичимлик суви билан барқарор таъминлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш, сув тақчиллиги туфайли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг вақтинча ишламаётган ходимларини иш билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари ва уларни маблағ билан таъминлаш манбалари дастури тасдиқлансин.

2. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг сув тақчиллигидан зарар кўрган туманлар аҳолисига моддий-техника ёрдами кўрсатиш, шунингдек 2001 йил ёз-куз даврида сув ташишни таъминлаш учун:

вилоятлар ҳокимликлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига техник жиҳатдан созланган иккитадан сув ташиш автотранспорти ва тўрттадан тиркама цистерна, Хоразм вилояти ҳокимлигига — биттадан сув ташиш автотранспорти ва иккитадан тиркама цистерна:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тегишли равишда 4 ва 2 сув ташиш автотранспорти, 10 ва 4 тиркама цистернани вақтинча фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси билан биргаликда 2 ҳафта муддатда ичимлик сув таъминотининг барча қудуқларини хатловдан ўтказсинлар, сув сатҳи пасайиши хавфи даражасини ҳамда сувнинг заҳира манбаларини барпо этиш, сувни кўп истеъмол қилувчи тармоқлар ва корхоналарни навбатли сув таъминотига ўтказиш ёки, зарурат бўлганда, уларни соатли жадвал бўйича сув таъминотига ўтказиш чора-тадбирларини белгиласинлар.

4. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда хорижий давлатларнинг қарзлари, грантлари ва донорлик ёрдами ҳисобига сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда Амударёнинг қуйи оқимидаги сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ва хорижий молия ташкилотларининг қўшимча молиявий ресурсларини, шунингдек донорлик ёрдамни жалб қилиш бўйича ишларни давом эттирсин.

5. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг:

Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида Қорақалпоғистон Республикасидан 15 минг ва Хоразм вилоятидан 5 минг боланинг ёзги дам олишини ташкил этиш;

республиканинг санаторий-курорт муассасаларида Қорақалпоғистон Республикасидан 3 минг ва Хоразм вилоятидан 1,5 минг аёлни санаторий-курортда ва профилактик даволаш бўйича таклифи маъқуллансин.

Кўрсатиб ўтилган йўлланмалар қийматининг 50 фоизи Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маблағлари ҳисобига қопланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Соғломлаштириш оромгоҳлари ва санаторий-курорт муассасалари эгалари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан ёзги соғломлаштиришга олиб келинадиган болалар ва аёллар таъминоти харажатларининг 50 фоизини қоплаш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сув тақчиллигидан зарар кўрган қишлоқ туманларида яшайдиган пенсионерлар учун санаторий ва дам олиш уйларига 1500 та, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси учун 1150 та ва Хоразм вилояти учун 350 та йўлланманинг бепул ажратилишини таъминласин.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда республиканинг шаҳарлараро ва шаҳар атрофида йўловчилар ташувчи автотранспорт корхоналарининг кўрсатиб ўтилган шахсларни Қорақалпоғистон Республикасидан ва Хоразм вилоятидан дам олиш ва соғломлаштириш жойларига, шунингдек у ердан яшаш жойларига бепул ташиш бўйича ташаббуси маъқуллансин.

6. Қорақалпоғистон Республика ва Хоразм вилоятининг сув тақчиллиги оқибатида зарар кўрган туманларида яшовчи кам

(Давоми 2-бетда)

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ



■ Шавкат АКРАМОВ, Абдулғани ЖУМА олган суратлар

МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛДИ

Нью-Йоркда Ўзбекистон Республикаси ва Коста-Рика Республикаси ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма коммюникени имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Битимни Ўзбекистон ва Коста-Риканинг БМТ ҳузуридаги доимий вакиллари имзолашди. Расмий имзолаш маросимидан кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида томонлар икки томонлама дипломатия муносабатлари ўрнатилиши дўстона алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга имкон бериши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Коста-Рика Республикаси ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорликка хизмат қилишига ишонч изҳор этдилар.

■ «Жаҳон» АА

БРОНЗА ДАВРИ ТОПИЛМАСИ

Германиянинг «Франкфуртер Рундшау» газетасида Марказий Осиё тарихига оид «Муҳр исботлайди» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Газетада ёзилишича, АҚШ ва Россия археологлари ҳамкорликда Туркманистоннинг Аннау қишлоғи атрофидан 4000 йил аввалги бронза даври маданиятидан гувоҳлик берувчи Марказий Осиё цивилизацияси даври қолдиқларини топишди.

АҚШдаги Пенсильвания университети олими, археолог Хийберт Фредрикнинг «Нью - Йорк таймс» рўзномасида эълон қилинган мақоласида ёзилишича, бундан тўрт минг йил аввал мавжуд бўлган ушбу маданият ўз ёзувига ҳам эга бўлган.

Тахмин қилинишича, топилма муҳрнинг бир тури бўлиб, у беш қирралик юлдуз рамзи туширилган бир бўлак тошдан иборатдир. Археологнинг таъкидлашича, у милоддан 2300 йил бурун, Миср эҳромлари қад кўтаргандан 300 йил кейин яратилган.

Тарихдан маълумки, ўша даврда илк ёзув маданияти Эрон, Мессопотамия ва Ҳиндистон воҳасида кенг ёйилган. Бундан тўрт минг йил аввал Ҳиндистон ва Сом давлатлари катта-катта ёғоч бочкаларни ҳужжатлаштиришда муҳрдан фойдаланишган. Ажабланарлиси шундаки, ҳозирги топилган ёзув нусхасини юқорида қайд этилганлари билан солиштириб бўлмайди. У Хитой ёзувига бироз ўхшайди, лекин бизга ҳали номаълум бўлган тараққиёт даврини ифодалайди. Археолог Карл Ламбергнинг фикрича, уни Хитой ёзувидан минг йил илгари мавжуд бўлган дейиш қийин, бироқ у ҳар ҳолда дастлабки ёзув бўлиши керак.

Ўтган йилнинг июнида Ашгабатнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Аннауда археолог Рафаэл Пумпелли сопол қолдиқлари ва ғалла етиштирилганини исботловчи археологик далилларни топган эди. Унинг ҳамкасби Хийберт ёзув маданиятининг намуналарини ҳам худди шу ердан топди.

Вақт ўтиши билан қурғоқчилик натижасида чўлга айланган, кўҳна дунё тарихини ўз бағрида сақлаётган, қачонлардир гуллаб-яшнаган ва маданият ўчоғи бўлган заминнинг бу қисми ҳозирги Ўзбекистон, Туркманистон ва тахминан Афғонистоннинг шимолий қисмида узунлиги жиҳатидан 500-650, кенглиги 80 километр бўлган ҳудудни ўз ичига олган.

«Олимлар уни қадимги эллин солномаларида кўрсатилганидек «Бақтрия-Марғиёна» археологик мажмуаси сирасига киритишмоқда. Ёзувнинг топилиши унда тараққиётнинг барча белгилари мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди», — дейди археолог Хийберт.

Ҳозирча «Бақтрия-Марғиёна» археологик мажмуаси маданиятининг тарихи, ундаги ижтимоий таркиб тўғрисидаги тарихий маълумотлар етарли эмас, чунки улар қум барханлари остида қолиб кетган. Бизгача етиб келган аниқ маълумотлар 2000 йил ёшига тенг, холос.

Шу каби археологик қазилмалар заминимизда неча минг йиллар олдин ҳам маданият юксак даражада бўлганлигини ва у табиатнинг шафқатсиз ҳукми олдида ожиз қолганлигидан гувоҳлик беради.

■ Баҳриддин АСЛАНОВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти жамоаси тарихга нисбатан холис ва соғлом муносабатни таркиб топтириш борасида ибратли ишлари амалга ошириб келмоқда. Буни институт раҳбарияти ва Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорликда ташкил этган «Этнология фанининг долзарб масалалари» мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Биринчи ўзбек элшунос олими, академик Карим Шониёзов хотираси ва илмий фаолиятининг 40 йиллигига бағишланган мазкур анжуманда ҳозирги замон тарихшунослиги муаммолари, ўзбек халқи этногенези, давлатчилик тарихи масалаларига оид тадқиқотларни янада ривожлантириш ва буни ташкил этишда археологик, этнографик манбаларни илмий-қиёсий холисона таҳлил этиш хусусида сўз борди. Шунингдек, этнология йўналишида иш олиб борадиган кадрларни кўпроқ етиштириш давр талаби эканлиги таъкидланди.

■ Шуҳрат ОРИФ

BU DUNYONING ISHLARI

СОЛИҚЛАР КАМАЙТИРИЛДИ

«Бугун америкаликлар учун буюк кун. Зеро, АҚШ ҳали ҳеч бир давлат ботина олмаган қадамни қўйди», — дейди мамнуният билан президент Жорж Буш солиқларни камайтириш тўғрисидаги қонунга имзо чекар экан.

Солиқларни қисқартириш Бушнинг сайловолди ташвиқотидаги устувор йўналишлардан бири эди. Тан олиш керак, Буш солиқларни ислоҳ қилиш бўйича кейинги 20 йил ичида катта бурилиш ясади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин солиқларни қисқартириш бўйича кенг доирадаги ислоҳотларни 60-йилларда Кеннеди ҳамда 80-йилларда Рейган ўтказган, холос.

Солиқларнинг умумий ҳажми 1,6 триллион АҚШ доллари миқдоридаги қисми қисқартирилади. Қонун шу йил 1 июлда кучга киради.

ЛЕЙБОРИСТЛАР ҒАЛАБАСИ

Тони Блэр лейбористларни тарихий ғалабага олиб келди. Буюк Британияда пайшанба куни бўлиб ўтган парламент сайловларида лейбористлар катта ғалабани қўлга киритди.

Энди улар мамлакатни 5 йил мобайнида бошқарадиган бўлдилар. Жума куни эрталаб Консерваторлар партияси раҳбари Уильям Хейг ўз лавозимидан истеъфога чиқишини эълон қилди. У раҳбарлик вазифасини бир неча ой бажарилишини, яъни Консерваторлар партиясининг янги раҳбари сайлангунга қадар давом эттиришини маълум қилди.

Парламентга бўлган сайловларда берилган овозларни ҳисоблаш қарийб якунланган. Би-би-синиг сайлов участкаларида ўтказилган сўровларига мувофиқ янги парламентда лейбористлар — 414, консерваторлар —167, либерал демократлар — 52 ўринга эга бўлишади. Қолган 26 ўрин эса бошқа партиялар вакилларига насиб этади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

таъминланган оилаларига мақсадли ва аниқ мўлжалли моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида вақтинча, 2001 йил июль-сентябрь ойларида, ҳозирги вақтда тўланаётган нафақа ва пенсияларга қуйидаги миқдорларда ҳар ойлик устамалар белгилансин:

16 ёшгача болалари бўлган эҳтиёжманд оилаларнинг нафақаларига ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамга амалдагига нисбатан 50 фоиз миқдорида;

кам таъминланган оилаларда яшовчи пенсионерлар пенсияларига (ёшига кўра ва ногиронлик пенсиялари бўйича) энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сув тақчиллигидан зарар кўрган кам таъминланган оилаларига кўрсатиб ўтилган устамалар асосли белгиланиши, аниқ мўлжалли ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат қилиш бўйича махсус комиссия ташкил этилсин.

Бюджетдан ташқари жамғармалар — Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ва Пенсия жамғармаси маблағлари кўрсатиб ўтилган устаматаларни тўлаш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ажратилаётган маблағларидан мақсадли ва аниқ мўлжалли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

7. «Ўзавтойўл» давлат концерни, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ҳамда бошқа идораларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида лойиҳа-смета ҳужжатларига (ишчи чизмаларга) ва маблағ билан таъминлаш манбаларига эга бўлган объектларда қўшимча иш ўринлари барпо этиш ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек жисмоний шахслари вақтинча, 2001 йилда ягона ер солиғи ҳамда сув тақчиллиги туфайли 2001 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун фойдаланилмайдиган ерлар бўйича ер солиғи тўлашдан озод этилсин.

9. «Пахта-банк», «Ғалла-банк», «Ўзтадбиркорбанк» томонидан емхашак харид қилишга деҳқон хўжаликларига микрокредитлар бериш учун тегишли равишда 100, 50 ва 40 миллион сўм ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тижорат банкларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга:

сув тақчиллигидан зарар кўрган туманларда янги иш ўринлари ташкил этиш учун кичик ва ўрта бизнес субъектларига тайёрланган бизнес-режалар (техник-иқтисодий асослашлар)га мувофиқ биринчи навбатда микрокредитлар ажратилишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шу жумладан сув тақчиллиги туфайли қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш имкониятига эга бўлмаган фермер ва деҳқон хўжаликларига, жисмоний шахсларига илгари берилган кредитларни тўлаш муддатини бир йил муддатга кечиктириш;

сув тақчиллигидан зарар кўрган туманлардаги деҳқон хўжаликларига ем-хашак харид қилиш учун, гаров талаб қилмасдан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органларининг кафолати остида 100 минг сўмгача миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратиш таклиф этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг 2001 йил охиригача индексация махсус ҳисоб рақамларидан бериладиган омонатларини муддатидан олдин бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига 2001 йилги бадаллари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига — Тахтакўпир туманидаги 35 ўринли даволаш-профилактика маркази ҳамда Қораўзак туманидаги туғруқхона ҳузурида ҳар куни 100 беморга хизмат кўрсатадиган поликлиника қурилишини тугаллаш учун 193 миллион сўм, Хоразм вилояти ҳокимлигига — Урганч шаҳридаги вилоят болалар шифохонасини реконструкция қилиш учун 200 миллион сўм ажратсин.

11. Вазирликлар ва идораларнинг сув ресурсларидан фойдаланишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус комиссия (И. Ҳ. Жўрабеков) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Амударё» ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси билан биргаликда:

Амударё ҳавзасида 2001 йилги вегетация даврида сувдан фойдаланишнинг алоҳида режимини белгиласин, бунда сув ресурсларини қатъий ҳисобга олиш ва тартибга солишнинг жорий қилинишини, Амударёнинг қуйи оқимларидаги сув истеъмолчилари учун сув таъминоти бўйича тенг шарт-шароитлар яратилишини назарда тутсин;

2001 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида пудрат ташкилотлар жавобгарлиги остида, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларидан (ишчи чизмалардан) келиб чиқиб, уларга амалда бажарилган ишлар ҳажми бўйича ҳақ тўлаган ҳолда, сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш бўйича ирригация-мелиорация ишлари ўтказилишини ташкил этсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Ҳ. Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
2001 йил 8 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМДА СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

XORIJDA

ЕВРОПАДА МАТБУОТ ЭРКИНМИ?

Журналистларни таъқиб қилиш, сўз эркинлигига йўл бермаслик ҳоллари жаҳоннинг етакчи ахборот агентликлари тарқатаётган хабарларга қараганда, Европанинг кўплаб мамлакатларида учрамоқда. Журналистларни ҳимоя қилиш Халқаро қўмитасининг айрим маълумотларига диққат қилинг.

Европа Иттифоқининг анчадан буён олиб бораётган кузатувларидан маълум бўлишича, демократик тамойилларнинг асосларидан бўлган Европада фикр ва ахборот эркинлигининг ривожланиши ҳанузгача хавф остида. Европа Иттифоқи Парламент йиғилишининг сўнгги мажлисларидан бирида турли мамлакатлардаги муҳолиф оммавий ахборот воситаларининг бугунги аянчли аҳволи муҳокама қилинди.

Россия ва Украинадаги муҳолиф ОАВнинг журналистларини ишдан четлатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида турли томонлардан ёғилаётган кескин танқидлар замирида Европа Иттифоқи йиғини фикр ва ахборот эркинлигини ҳимоя қилиш ишида фаол сиёсий мавқени эгаллашга чақирмоқда. 43 мамлакат вакиллари Европада сўз ва фикр эркинлиги кафолатларини таъминлаш учун самарали тизим яратиш лозимлигини билдирдилар. Венгер нотиғи Хегюи мустақил арбитр тайинлаш ва унинг вазифаси ҳар йили парламентга муҳокама учун маъруза тайёрлашдан иборат бўлиши борасидаги таклифи билан чиқди. Матбуот эркинлиги принципларини бузаётган давлатлар камчиликларни бартараф этиш масаласида ҳисоботлар беришларига тўғри келади.

Матбуот эркинлиги билан боғлиқ вазиятнинг кескинлиги айниқса шарқий Европада яққол намоён бўлмоқда. Масалан, украиналик журналист Гонгадзе ва югослав публицисти Славко Курувининг ўлдирилишини эслаш кифоя. Шундай бўлса-да, Хегюининг фикрича, ҳозирги пайтда ер юзида сўз эркинлиги ҳеч қандай тўсиқларсиз ривож топаётган бирорта ҳам минтақа мавжуд эмас. Ғарбий Европада журналистларга қарши энг кўп жиноий ишларнинг очилиши бўйича Греция ва Австрия етакчи ўринларда. Австрияда журналист Маршалл сиёсатчи Хайдерга нисбатан муҳолифат нуқтаи назарида бўлгани учун ҳукумат раҳбари қасамёд қабул қилган куннинг ўзидаёқ сиёсий вазият ўзгаргани баҳонасида ишдан бўшатилган.

Оммавий ахборот воситаларининг эркинлигига таҳдид Люксембургда бошқача кўринишга эга. Бу ерда телевидение биносида одамларни ўғирлаш билан шуғулланувчи шахсни қўлга тушириш учун тузоқ сифатида фойдаланилган. У кейинчалик отиб ташланган. Нотиқнинг сўзларига қараганда, бу қотилликка алоқадорлик таассуротини қолдиради. Хегюи, шунингдек, НАТОни Косово уруши даврида ОАВ эркинлигини чеклашда ва нотўғри ахборотларни тарқатишнинг ташкилотчиси сифатида айблади. Цензуранинг шакллари ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлигига монеликлар турлича бўлиб, деярли ҳамма ҳолларда журналистларга нисбатан куч ишлатиш орқали амалга оширилади. Фақат ўтган йилнинг ўзида Европада жамият ҳаётидаги коррупция, наркотиклар савдоси, террорчилик ва этник можароларни фаоллик билан ёритган 10 дан ортиқ журналист ўлдирилди.

Энг кўп таъқиблар Озарбойжон, Россия, Украина ва Туркиядаги журналистлар чекига тушган. Аксарият мамлакатларда ҳамон журналистларни сукут сақлашга ёки ўзини ўзи назорат қилишга мажбурловчи қонуности ҳужжатлари амалиётда қўлланмоқда.

■ **Хорижий манбалар асосида Бобо САРОИЙ тайёрлади**

СПОРТ

МАЙДОНДА ФАҚАТ ХОТИН-ҚИЗЛАР

Бугун пойтахтимизда аёллар ўртасида халқаро теннис мусобақаси бошланади

Бугунги кунда «Тошкент опен», яъни Тошкент очиқ халқаро турнирининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Боиси, олтинчи марта ўтказилаётган бу мусобақа 1996-1998 йиллар мобайнида «Челленжер» туркуми сифатида ташкил этилган эди. Мана энди учинчи йилдирки, «Тошкент опен» номини олди ва турли мамлакатларда ҳам бундай қизиқарли мусобақага талабгорлар ортиб бормоқда. Ғолибларга аталган мукофот жамғармаси ҳам тобора кўпаймоқда. Жумладан, бу галги мусобақа иштирокчилари 140 минг доллар ҳисобидаги мукофот жамғармасидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қиладилар.

Пойтахтимиздаги йирик спорт кошоналаридан саналган «Динамо» теннис ўйингоҳи қарийб 10 кун мобайнида гавжумлашиб туради. 17 июнь куни навбатдаги мусобақа ғолиблари аниқланади. Бугун-эрта бу ерда саралаш ва дастлабки учрашувлар ташкил этилади. Мақсад — бугунгача номлари аниқ бўлган 25 нафар теннисчи сафига яна муносиб спортчиларни танлашдан иборат. Тошкентга эса қарийб 50 га яқин таниқли теннисчи келиш истагини билдирган. Улар орасида бугунги кунда халқаро теннис рейтингида 20 ва 21-ўринни эгаллаб турган америкалик Леганн Шогнесси билан франциялик Сандрин Тестунинг борлиги баҳсларнинг кўтаринки ва муросасиз ўтишидан дарак бермоқда. Италия теннисчиси Татьяна Габрин ҳам совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилиши табиий. Булардан ташқари, беларус Татьяна Путчек, Германиядан Бьянка Ламаде, Голландиядан Иветта Бастинг, славак Мартина Суча, Австриядан Вартуш Патрисия ва бошқалар ҳам Тошкент мусобақасида муносиб қатнашиш учун умид билан машқларга зўр беришмоқда.

Мухлисларимиз эса ўзбекистонлик теннис юлдузи Ирода Тўлагановага катта умид боғлашмоқда. Иқтидорли қиз ҳозир халқаро рейтингда 60-ўринни эгаллаб турибди. Ўйлаймизки, бу сафар ҳам у ўзининг маҳоратини кўрсатиб, кўпчилик ишончини қозонишга ҳаракат қилади.

БОКСНИ КАСБ ҚИЛГАНЛАР БАЙРАМИ

Ҳар соҳада бўлгани каби спортда ҳам касбкорликка эътибор тобора ортиб бормоқда. Боиси, спорт ҳам бундан буён тирикчилик ва моддий неъмат воситаси эканлигини ҳаммага аёндир. Айтайлик, ҳаммамиз учун таниш Артур Григорянниннг довруғи Ўзбекистон учун ифтихор экани ҳеч кимга сир эмас. Олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам боксни ўзига касб деб билиб, шу кунларда профессионаллар қатори АҚШда ўз куч ва имкониятларини синовдан ўтказишга ва Ўзбекистонга ёруғ юз билан қайтишга бел боғлаган. Фурқат Турсунов, Қувонч Тойғанбоевлар ҳам профбоксчи саналади. Гап шундаки, юртимизда профессионал бокс турига алоҳида эътибор қилинмоқда. Ўзбекистон профессионал бокс федерациясининг президенти Арслон Рўзметов раҳбарлигида биринчи марта Тошкентдаги «Юнусобод» спорт кошонасида бокс бўйича байрам уюштиришга аҳд қилинди.

Ўзига хос дам олиш соатлари ва унутилмас лаҳзаларга бой бўладиган «Бокс шоу»да юртдошимиз Фарҳод Бакиров Пан Осиё боксчилар ассоциацияси камарини қўлга киритишга даъвогарлик қилади. Бу камарни эса айни пайтда индонезиялик Давид Косвара эгаллаб турибди. Шунингдек, Пан Осиё чемпионлиги ва Ўзбекистон чемпиони номи учун бир неча учрашувлар бўлади. Боксчиларимиздан Меҳти Маҳкамов билан Акмал Асланов учрашувига кўпчилик катта қизиқиш билдирмоқда. Мусобақада яна МДҲ давлатларидан келган бир қанча боксчилар ҳам ўз маҳоратларини синаб кўрадилар. Улар орасида юртдошларимиздан Уйғун Сидиқов, Зиятдинбек Тойғанбоев, Наримон Отаев, Карим Тўлагановлар ҳам бор.

«Бокс шоу»нинг қизиқарли ва унутилмас воқеаларга бой бўлиши табиий. Бокс байрамига бир замонлар қозоқ аҳлининг фахрига айланган, ҳозирги кунда Қозоғистон профбокс федерациясининг президенти Серик Канакбоев ҳам ўз юртдошларини чорлаган.

Мухлислар эса «Бокс шоу»да қизиқарли жангларни томоша қилиш билан бирга таниқли санъаткорларнинг чиқишларидан баҳраманд бўладилар.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш куни юртимизда ҳам кенг микёсда нишонланди. «Экосан» халқаро жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ҳамкорликда ташкил этган «Экофестиваль — 2001» тадбири ҳам ана шу санага бағишланди. «Мустақиллик, экология ва саломатлик» дастури доирасида ўтказилган мазкур фестивалда пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари қатори Тошкентда аккредитация

«ЭКОФЕСТИВАЛЬ–2001»

қилинган халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди. Унда сўзга чиққан «Экосан» жамғармаси президенти Юсуфжон Шодиметов, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Олий Мажлиснинг атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Кудайберган Жумабеков, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Халилулло Шеримбетовлар экологик муаммолар чегара билмаслиги, шунинг учун ҳам атроф-муҳитни озода сақлаш барчанинг вазифаси эканлиги хусусида тўхталдилар. Шундан сўнг «Экосан» саломатлик поездининг фаол аъзоларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Экофестиваль эстрада юлдузларининг катта концерти билан якунланди.

■ **Шуҳрат ТЎПАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ДОН – ХИРМОНГА

13235 гектар майдондаги ғаллани қисқа муддатларда нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун зоминлик миришкорлар барча чора-тадбирларни кўрдилар. Ҳозир туман ғаллазорларида 16 та «Кейс» русумли ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан ёрдамга келган 16 та «Класс» русумли ўрим агрегатлари

тўхтовсиз ишлаб турибди. Дон қабул қилиш корхоналарига кунига ўртача 850-900 тонна сара дон жўнатилмоқда.

— Деҳқонларимизнинг кайфияти баланд, — дейди Зомин тумани ҳокими Эшмирза Абдуалимов. — Ўримга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Шу боис ҳам ғалла ўрим-йиғимини намунали ўтказишга бағишланган механизаторларнинг республика кўргазмали семинари туманимизда ўтказилди.

Донни ташиш учун тумандаги автокорхоналар ҳамда Тошкент вилояти ва Пахтакор туманидан ёрдамга келган 170 та транспорт воситаси тўхтовсиз ишлаб турибди.

— Ўрим-йиғим давомида биронта ҳам комбайн тўхтаб қолмайди, — дейди Зомин тумани МТП транспорт бўлими бошлиғи Эргаш Абдуқулов. — Бунинг учун ўрим агрегатларига техник ёрдам кўрсатиш мақсадида 7 та гуруҳ тузилган. Ҳар бир гуруҳга МТП мутахассислари ва ҳайдовчилар ҳам ўз маҳоратларини синаб кўрадилар. Ўрим-йиғим даврида ер ва ҳаводан ҳар бир гектарга 2 тонна ем-хашак ва 2 тонна дон ҳосилини ҳисобга олиб, ҳар бир ишчи учун 5 тонна дон ва 1 тонна ем-хашак ҳисобидан ҳисоблаб, ҳар бир ишчи учун 1 тонна дон ва 1 тонна ем-хашак ажратилиши

DUSHANBA 11

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
9.25, 11.20 ТВ-метео.
9.30 «Мактанчоқ филча». Мультфильм.
9.35 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Болалар ёзги таътил кунларида:
10.05 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
11.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.50 ТВ-анонс.
12.05 «Шоҳруҳ клуби».
12.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 Эстрада тароналари.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ -1 намойиш этади.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Зиё « студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
15.10 Кундузги сеанс: : «Кўпик». Бадиий фильм.
16.30 ТВ-анонс.
16.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.05 Экранда - телесериал. «Қалбим чечаги». 6-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 ТВ-клип.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.40 «Толеи ёруғ одамлар».
21.50 Теннис бўйича «Тошкент Оупен» Халқаро турнирининг тантанали очилиши. «Динамо» теннис мажмуидан олиб кўрсатилади (Ёзиб олинган).
22.20 «Маънавият» дастури.
23.10 Теннис бўйича «Тошкент Оупен» халқаро турнирининг кундалиги.
23.20 «Ахборот».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИККАТИГА!
Профилактика муносабати билан душанба, 11 июнь куни «ЁШЛАР» телеканали ўз кўрсатувларини соат 17.00 да бошлайди.

17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» почтаси.
17.25 Спорт ҳафтаномаси.
17.40 «Эрта сўнган юлдузлар».
18.00 Олтин мерос.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Ўзбегим қураши.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Теннис бўйича Sanex WTA «Tashkent Open» аёллар Халқаро турнири.
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.05, 21.45, 22.30 Эълонлар.
21.10 «Лафз». Телевизион бадиий фильм 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 «Хайрли тун!»

TV

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Маънавият сайёраси». Мусиқий дастур.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.25 «t' 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.25, 22.10 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Дорихона эшитади».
23.00 ТТВда сериал: «Селеста».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.20 «Морена Клара». Сериал.
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.55 «Инсон ва қонун».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время»
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.45 «СНН-шоу».
22.00 Кинематограф. «Яхши ва ёмон». Бадиий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30 «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 «30-канал»да болалар соати.
10.30 «Яхши кайфият». Мусиқий-дам олиш дастури.
11.00 «30-канал»да премьера. «Дарма ва Грег». Ҳажвий сериал.
17.30 Дастурнинг очилиши.
17.35 «Икс-мен». Мультсериал.
18.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.25 «30-канал» кинооқшоми. «Ўтмишнинг портлаши». Комедия.
20.05 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.10 «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
20.40 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» кинооқшоми. «От билан юриш». Мистик триллер. Бош ролда К. Ламберт.
23.15 «30-канал»да қизиқарли учрашувлар. «Би-2» гурухи.

CHORSHANBA 13

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 Улуғ аждодларимизга эҳтиром: «Ўзбектелефильм» намойиши: «Имом Мотуридий».
9.15 «Ўзбекистон бастакорлари». Мусиқий дастур.
9.35, 12.25 ТВ-метео.
9.40 «Нонни босган қизча ҳақида». Мультфильм.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Алифбо сабоқлари».
Болалар ёзги таътил кунларида:
10.25 «Теледўмбоқчалар». Мультсериал.
11.40 «Санъат ғунчалари».
12.05 Республика ўқитувчиларининг 1- анжуман олдидан. «Камолот сари».
12.30 «Ўхшаш чеҳралар».
12.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал.
13.15 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
13.50, 16.45 ТВ-анонс.
14.10 «Билим-ринг».
14.30 «Остонаси тиллодан».
14.55 ТВ-клип.
15.05 Кундузги сеанс: «Онтарио соҳилидаги воқеа». Бадиий фильм.
16.35 «Орзулар қанотида».
16.50 «Наво таралсин». Концерт.
17.10 Экранда -телесериал. «Қалбим чечаги». 7-қисм.
18.10 «Инвестиция».
18.20 «Аёл – дунёни тебратар». Бадиий -публицистик кўрсатув.
18.35 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал.
18.45 «Бадиий кенгашдан сўнг».
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Қулгига нима етсин».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
21.40 «Толеи ёруғ одамлар».
21.50 Теннис бўйича «Тошкент Оупен» Халқаро турнири кундалиги.
22.00 «Фуқаролик жамияти сари».
22.15 «Олам». Телеальманах.
22.50 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» – «Андижон».
23.35 «Ахборот».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
9.30, 10.25, 12.00 Мусиқий лаҳзалар.
9.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 20-қисм.
10.05 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
10.35 Эрта сўнган юлдузлар.
10.55 Кинотақдим.

11.15 «Даллас». Телесериал.
12.10 Болалар экрани «Орзулар камалаги».
13.15 Ёшлар овози.
13.35 «Лафз». Телевизион бадиий фильм 2-қисм.
14.10 Автосалтанат.
14.25 «Қўҳна оҳанглар». Мусиқий дастур.
14.40 Теннис бўйича Sanex WTA «Tashkent Open» аёллар халқаро турнири.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Сийрат.
19.55, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.00 Спорт - лото.
20.10 «Очил дастурхон».
20.25 Ёшлик наволари.
20.35 Моҳият.
21.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.25-1.30 «Хайрли тун».

TV

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Дурдона».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.25 «t' 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.25, 22.30 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Ёшлар ҳудуди».
22.50 «Ўз касбининг фидойилари».
23.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.25 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.
18.40 Джаз. Бутун жаҳон тарихи.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время»
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.45 «СНН-шоу».
22.00 Кинематограф. «Яхши ва ёмон». Бадиий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 KANAL

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30 «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 «30-канал»да болалар соати.
10.30 «Яхши кайфият». Мусиқий-дам олиш дастури.
11.00 «30-канал»да премьера. «Дарма ва Грег». Ҳажвий сериал.
17.30 Дастурнинг очилиши.
17.35 «Икс-мен». Мультсериал.
18.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.25 «30-канал» кинооқшоми. «Эдди». Комедия. Бош ролда В. Голдберг.
20.05 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.10 «Телеҳамкор». Фойдали газета.
20.40 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Қояни забт этувчи». Ўткир сюжетли фильм. Бош ролда С. Сталлони.
23.15 «30-канал»да Бутунжаҳон тўри.

SHANBA 16

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15, 11.00 ТВ-метео.
9.20 «Ҳидоят сари».
9.40 Телевизион миниатюралар театри.
«Тирик сайёра» кинодастури:
10.15 «Ноилож сайёдлар-8». Ҳужжатли фильм.
11.05 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
11.35 Сиз ёқтирган фильмлар: «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-қисм.
12.35 «Талабалик йилларим».
12.55 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
13.15 «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.30 «Дўстлик» видеоканали. 1.»Меҳрангез». 2. «Жетиген.
14.50 «Бизга аталган кун». Бадиий кўрсатув.
15.15 «Алиса». Мультфильм.
16.30 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра». Мусиқий дастур.
17.10 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
18.10 «Спорт шанбадан шанбагача».
